

2023-yil 24-avgust, Payshanba

№ 35 (9251)-son

e-mail: infoqishloqhayoti@yandex.ru

@Qishloqhayoti\_gazetasi

НАМАНГАН ВИЛОЯТИ

## МИНГБУЛОҚНИНГ ҚИЗИЛҚУМ МАҲАЛЛАСИ КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

Мингбулоқ деганда тарихан асрий қум барханлари, поёни йўқ қамишзор, тўқайзор, катта-кичик кўллар макон этган сир-синоатли замин кўз олдимизда гавдаланиши табиий.

Хақиқатдан ҳам бундан бир неча асрлар олдин туманинг асосий майдонлари одам оёғи етмаган кимасиз жойлар эди. Ёши улуг отахонларнинг ҳикоя қилишлари чарч, туманинг Қизилкум маҳалласи теварагина ҳам ўзига хос қизги рангдаги қум барханлари ўраб олган. Шу боис ҳам бу ерни ўзлаштиришга кепгандарга қизилкумлар деб ном беришган. Бундан 70-80 йил олдин ертўла, капаларга кўчиб келган, муқим ҳаёт кечириб, кўрик очиб, ер ўзлаштиргандар нинг меҳнати, шикояти, жасорати боис, кўхна заминда пахта, галла, полиз, шоли, бодгорчилик соҳаси шаклланди. Тез орада аҳоли истиқомат қиласидаган мансиллар кенгайиб борди. Шулар қаторида қизилкум барханлари ўрнида кунма-кун ўзгача қиёфа касб эттаётган Қизилкум маҳалласи қад ростлади.

**ШУКРОНА**  
Каримали ота Ёдгоров бу йил етмиш олтинчи баҳорни қарши



олди. Узоқ йиллар хўжаликда транспорт ҳайдади. Мингбулоқнинг, Қизилкум маҳалласининг ривожи йўлида сидқидидан меҳнат килиб, обрў топди. Турмуш ўрготи

билан олти нафар фарзандни дунёга келтириб, тарбиялаб элга кўшиди.

– Мустақиллик йилларида, айниқса, кейнинг 5-6 йил ичи-

да мамлакатимизда, шу ўринда вилоятимиз, туманимиз, маҳалламида катта ўзгаришларнинг гувоҳи бўляяпмиз. Аҳолининг турмуш даражасини ошириш

борасидаги ишлар кўламидан кўнглимиз тўлмоқда. Айниқса, “Обод қишлок”, “Обод маҳалла”, “Обод марказ” каби дастурий ҳаракатлар давлатимиз томонидан молиявий кўллаб-куватланиб келинганини натижасида, энг чекка худудлар ҳам муносиб тарзи ўзгача тароват касб этиб бормоқда. Айни кунларда мамлакатимиз миқёсида амалга оширилаётган “Обод кучи” – “Обод хонадон” дастури асосида чекка ва олис худуд хисобланган, бэъзи бир зарурий шарт-шароитларга эга бўлмаган маҳалламиз ҳам танлаб олиниб, кенг миқёсли ободонлаштириш ишлар амалга оширилаётганини ахолимиз кайфиятни кўтариб юборди. Барчамиз шукроналар айтиб, маҳалламиши энг маънавияти, маърифатли, обод манзилга айтириши ўйлиша ишшибаларга камарбаста бўляяпмиз, – дедай Каримали ота Ёдгоров.

(Давоми 2-саҳифада)



Муносабат

## ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР УЧУН КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛМОҚДА

Бу йил Ўзбекистон ва Венгрия ўргасида дипломатик муносабатлар ўрнтилганнига 31 йил тўлди. Ўтган чорак асрдан ортиқ вақт давомида иккى мамлакат ўртасидаги дўстона алоқалар жадал ривожланди. Жумладан, айни кунда иккى мамлакат ўртасида Иқтисадий ҳамкорлик бўйича ҳукуматларо комиссия, шунингдек, 2021 йил февраль ойида ташкил этилган Ишибармонлик кенгашилари фаолият олиб бормоқда.

Айниқса, дўстона алоқалар Венгрия Баш вазири Виктор Обранинг 2021 йил март ойида Ўзбекистонга, Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2022 йил октябрь ойида Венгрия килган расмий ташрифлари доирасида янги босқичга кўтарили. Хусусан, давлат раҳбарларининг Будапештда булиб ўтган учрашувлари якuni бўйича 15 та иккى томонлама хужжат, жумладан, Стратегик шерикликни ривожлантириш тўғрисида кўшима баёндат имзоланди.

Бундай ҳамкорлик алоқаларининг ривожланиши ўзаро савдо ҳажми ортиши, иқтисадийтинг турли соҳаларидаги етакчи корхоналар ўртасида иккى томонлама ҳамкорлик алоқалари жадал ривожланшига хисса кўшмоқда. Мисол учун, бундаги кунда Ўзбекистон Венгрия капитали иштироқида ташкил этилган 16 та корхона фабриялар олиб бормоқда. Уларнинг 10 таси кўшима корхоналариди.

(Давоми 2-саҳифада)



Андижон шаҳрида мамлакатимиз мустақиллигининг ўтиз иккى йиллик байрамига бағишилани “Янги ҳаёт учун, Янги Ўзбекистон учун!” шиори остида ўтказилаётган “Энг улуг, энг азиз” танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди.

Танловда 17 нафар шоир ва ёзувчининг 18 та китоби ва бошқа ижодий ишлари, 24 нафар босма оммавий аҳборот воситалари вакилларининг 80 га яқин мақола ва бошқа ижодий материаллари, 30 нафар телевидение ва радио ижодкорларининг 100 га яқин тарбияларига таҳсилати сурʼиятини жорий қилиш ҳамда 600 гектар лазер тикислаш тадбирларини амалга ошириш бўйича манзилли дастур ишлаб чиқилган.

Туман бўйича 27 та фермер жўжаликларининг 599,3 гектар пахта майдонида томчилиб сурʼиятини жорий этиш бўйича 16 миллиард 623 миллион сўмлик тудор шартномаси тузиленган.

– “Оқ-сарой” кластер МЧК томонидан молиялаштирилалётган “Оқ-сарой агротехник” МЧК қурувчи корхонаси билан 26 та фермер жўжаликларининг 579,3 гектар пахта майдонига 16 миллиард 113 миллион сўмлик пудрат шартномаси тузилиб, 21 та фермер жўжалигининг 478 гектар пахта майдонига 1 донданан сув йигувчи ховуз қазилди, – дедай Шаҳрисабз туманнинг бўйича ирригация бўлимнинг сув тежовчи технологияни жорий этиш бўйича масульи Собир Турсунов. – 21 та фермер жўжалигининг 463 гектар пахта майдонига хизмат қиливчи 22 та сув йигувчи ховузларга гемембаналар тўшалди.

(Давоми 2-саҳифада)

ишлари номинацияси бўйича “Қишлоқ ҳаёт” газетасининг Андижон вилояти мухбири Қобилжон Асқаров тақдим этган ишлари билан голибликни кўлга киритди.

“Қишлоқ ҳаёт” газетаси жамоаси номидан жамоадошимизни бу голиблик билан куттаймиз!

## МАСЪУЛИЯТЛИ МАВСУМ АВВАЛИДА СЕМИНАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кечак вилоятнинг барча туманларида пахта терими олдидан ўза майдонларини дефолиациялаш, пахта йигим-терими мавсумини ўюшоқлик билан ташкил этиш, шунингдек, очик майдонларга ва ўзга қатор ораларига фалла экишини ўз вақтида ва сифатли ўтказиши масалаларига бағишиланган кўргазмали семинарлар бўлиб ўтди.



Унда вилоят ҳокими Амкалжон Махмудалиев, вилоят қишлоқ ҳўжалиги соҳаси масъуллари, туманлар секторлари раҳбарлари, пахта-тўкичи маҷлиси ва галлачилик кластерлари раҳбарлари, фермерлар ҳамда дахлдор мутасадилар, оқ-соқоллар иштирок этди. Дастиглаб юкори ҳосилордаги чиқирилган Махмудалиев кунлик иссиқ овқат ташкил этиш, терим пулининг ўз вақтида тарқатилиши, фарол теримчиларни кўшичма рағбатлантириш каби масалаларда кластерлар раҳбарларига алоҳида масъуллият юклади.

Семинарда сўз олган вилоят ҳокими пахта йигим-теримида киришиш олди. Очик майдонларга ва ўзга қатор ораларига фалла экишини сифатли ташкил этиш, экин майдонларни фосфорли кузги бўлган шора-тадбирларни көлишиш олди. Шунингдек, семинар давомида вилоятда 2023 йилда 77 500 гектар

Ҳар бир хонадонга китоб жавонлари қўйилиб, тарихимиз, маънавиятимизга оид адабиётлар билан тўлдирилди

## МИНГБУЛОҚНИНГ ҚИЗИЛҚУМ МАҲАЛЛАСИ КЎРКАМ ҚИЁФА КАСБ ЭТМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)  
ТАШАББУСНИНГ  
КАНОТИ БОР

Халқимизда "Аргамчига қил кувват", "Бирлашган ўзар, бирлашмаган тўзар" каби нақллар бежиз айтилмаган. Юқоридаги дастурга асоссан Қизилқум махалласида вилоят ҳокими Ш.Абдураззақов бошлилигидаги ишчи гурухи тузилиб, энг аввало, ободончиклик, ахоли турмуш фарононлиги учун зарур шароитлар яратиш юзасидан махаллабай, хонадонбай хатлов ўтказилди. 11 километр узунликдаги ички йўлларни шағаллаштириш, унинг бир кисмига 6,5 млрд. сўмлик асрар ёткизиш, махалла маркази ташкил этиши, унда янги махалла биноси, ихчам ҚВП, бошлар майдони, футбол майдончиси, стрит-ворткаут, кутубхона, гўзалик салони, қинч амфитеатр ва бошқа кўплаб инфратузилма обьектлари барпо этиш режаси тузиб олини. Ҳозирда бу борада қизигин ишлар бормоқда.

Ахолини тоза сифатли ичимлик суви билан таъминлаш борасида ер ости сув кудуги, сув минораси курилди. Ҳар бир хонадон дарвозаси олдига замонавий сув тасмимлагири үрнатилиб, ишга туширилди. Буларниң барчаси кундан-кунга махалла қиёфасини тубдан ўзгартириб юбормоқда. Вилоят ҳокими томонидан ўтказилётган кундаклик таҳлилий муҳокама ишларнинг сифатли ва тезкор амалга оширилишининг номи бўлмоқда.

— Кўпчлик бамаслаҳат бир хайрли ташаббусни бошладик, — дейди Ўзбекистон Республикаси Президентининг Наманган

вилоятидаги ҳалқ қабулхонаси мудири Баҳодиржон Юсупов. — Қизилқум махалласининг Алишер Навоий номли кўчасини ҳамкорлик учун танлаб олдик. Мазкур кўчада 18 та хонадон бўлиб, 33 та оила истиқомат килади. Энг аввало ҳар бир хонадон синичлаб ўрганилди. Ошхона, тандирхона-ўчоклар таъмирланиб, шинам ҳолга келтирилди. Куча томон, уй фрасад қисмлари бўйди. Ҳар бир хонадонга китоб жавонлари қўйилиб, тарихимиз, маънавиятимизга оид адабиётлар билан тўлдирилди. Таваллуд кунлари китоб совға қилишни қадриятларимиз сираисига айлантириш борасидаги



таклифимиз махалла аҳли томонидан маъкулланди.

Шунингдек, оила аъзоларининг қизиқишларидан келиб чиқиб, барча хонадонга спорт жиҳозлари үрнатилди. Турник, стол тенниси, бокс қопи, гантел кабилар шулар жумласидандир. Бундан ташқари, сим таянчларига тунги ёритиш чироқлари үрнатиш билан қаторда кўча боши Муроджон Парниев хонадонига электр ҳисоблагич



кўйилди. Гап шундаки, ушбу кўча вилоятимизда, балки мамлакатимизда биринчилардан бўлиб электр энергиясидан тежакорлик билан фойдаланадиган бўлди. Шунингдек, ёш авлонди она ташаттаға меҳр-муҳабbat, тоза-озодалик каби қадриятларимиз руҳида тарбиялаш максадида, шу кўчада яшовчи, маҳсул-бosh билан таъминланган, экологик тарбия амалиётига эга 20 нафар кичик ёшдаги болажонлардан иборат "Озодалик посбонлари гурухини" ташкил этидик. Улар навбатчилик асосида кўча айланниб, тозалик үрнатишга ўз хиссасини кўшади. Чиқиндиларнинг ҳар бир хонадон олдига үрнатилган маҳсус кутиларга ташланишини назорат килади. Кўча бўйлаб жойлашган хонадон аъзолари ўтасида ташкил этилган "Энг китобхон хонадон", "Энг спортсевар хонадон", "Энг набиравлар тарбия-сигътибири хонадон", "Энг хуқуқий маданияти хонадон", "Энг

бермоқда. Қатор оиласлар қисқа фурсат ичидаги 2-3 тадан номинациялар голиби бўлди. Энди улар ҳокимлик, Ҳалқ қабулхонаси ҳомийлигидаги Самарқанд шаҳрига саёҳатга бориш имкониятига эга. Биз бу борадаги амалий ишларимизни бошқа махаллаларда ҳам йўлга қўйишга астойдил бел болгаганмиз. Мақсад эса битта: қайси мажалла, кўча, хонадонда маънавий мухит соглом бўлса, оила аъзолари ўқимиши, маънавияти, маърифатли, тадбиркор, тиббий маданиятга риоя этиб яшаса, ўша жойда ривожланиш, тинчлик, хотиржамлик бўлади. Шундай экан, қайси соҳада ишламайлик, элим деб, юртим деб, ташабbusлар кўрсатиб фаoliyati юритилишимиз шарт ва буни давр тақоюз этмоқда.

Равшанбек МИРЗАОЛИМОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.



## БОШҚАРУВ ТИЗИМИДА ИЖРО ИНТИЗОМИ ҚАНДАЙ ТАШКИЛ ЭТИЛАДИ?

Инсониятнинг қадим замонлардан буён давлат ва ҳуқуқ масалаларига катта қизиқиш билан муносабатда булиши бошқарув тизимининг шаклланиши ва мукаммаллашибига ижобий таъсир кўрсатди. Бу борада турли замонларда ўзига хос кўринишларга эга бўлиб келган давлат бошқарувни ҳамда инсонлар тизимидаги ҳуқуқий муносабатлар тизимидаги ҳам кўплаб тажрибалар ортирилди.

Хусусан, мамлакатимиз ўттиз иккى йиллик мустақил тараққиёт йўли мобайнида дунё ҳамжамиятида муносабиб ўринга эга бўлиб ултурди. Ижтимоий-сиёсий, ҳукукий-маърифий ҳамда иқтиносий соҳалардаги эришилган ютуқларимиз мустаҳкам давлатчилик барпо этилганлигига қолаверса, бошқарув тизимидаги бой тажриба ортирилишига етарилича асос яратиб берди.

Ҳар қандай даврда бошқарув тизимини ташкил этиш ва унда муҳим самарадорликка эриш аввало тизимили иш ташкил қилиш билан боғлиқид. Ижро интизоми мустаҳкамларига, ходимларнинг ўзаро муносабатлари тартиби ташкил этилганлигига бошқарув тизимининг барқарор ривожланишига асос бўла. Дастраслики давлатчилик шакллари пайдо бўлган даврдан бошлаб буғунги кундаги замонавий бошқарув услугига эга бўлган давлатларда ҳам тартиб-интизоми биринчи ўринга кўтарилиган. Бу борада буюк саркарда бобомиз Амир Темур ўз салтанатини бошқариша бошқарув тизимидаги тартиб-интизоми ката таҳомимият қартиб, ушбу соҳа фаолиятига алоҳида ургу берган. "...вазирлар, бош котиблар, девон котиблари билан салтанат саройини безатдим. Булар давлат хазинаси, сипоҳ ва раиятга оид ишларни тартибла солиги юртилдилар".

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши нафакат иккى мамлакат, шу билан бирга, иккى минтақа давлатлари иқтиносий имкониятидан кенгроқ фойдаланиш учун кенг йўл очиб бермоқда. Мавлуда АДҲАМЖОНОВА, Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати. ЎЗА



## ЎЗБЕКИСТОН – ВЕНГРИЯ: ИҚТИСОДИЙ САЛОҲИЯТ ВА ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР УЧУН КЕНГ ЙЎЛ ОЧИЛМОҚДА

(Боши 1-саҳифада)

Иккى кунлик ташриф давомидаги ўзаро савдо ҳажмини ошириш, иқтисолидётнинг турли тармоқларида ҳамкорликни кенгайтиришга доир қатор учрашувлар ўтказилди. Хусусан, Европанинг етакчи "OTP" банки бошқарувни раиси Шандор

Чанъи билан ўтказилган учрашув доирасида саноат кооперацияси, қишлоқ ҳўжалиги ва бошқа устувор тармоқлардаги қўшма лойиҳаларни кўллаб-кувватлаш ва илгари суришинг самарали молиявий воситарадан кенгроқ фойдаланишга келишилди.

Шу билан бирга, Будапешт шаҳрида ўтказётган енгил атлетика бўйича жаҳон чемпионати доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қатар давлати Амири Тамим бин Ҳамад Ол Соний, Озарбайжон Республикаси Президенти Илҳом Алиев, Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаров, Туркманистон Президенти Сердар Бердимуҳамедов, Сербия Республикаси Президенти Александр Вучич ва Татаристон Раиси Рустам Минниханов билан сұхбатлашди. Сұхбатлarda иккى томонлама амалий ҳамкорликнинг долзарబ масалалари юзасидан фикр алашибанди.

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон ва Венгрия ўртасидаги дўстона алоқаларнинг ривожланиши нафакат иккى мамлакат, шу билан бирга, иккى минтақа давлатлари иқтиносий имкониятидан кенгроқ фойдаланиш учун кенг йўл очиб бермоқда.

Мавлуда АДҲАМЖОНОВА,  
Олий Мажлис Конунчилик палатаси депутати.



(СУРҲОНДАРЁ ВИЛОЯТИ

## ЮЗ НАФАР ҚИШЛОҚ АЁЛИ ИШЛИ ЪУЛДИ

Воҳдинг олис ҳудудларидан биринчидан ўзун туманида янги тикувчилик фабрикаси иш бошлади

Янги иш бошлаган "Узун сифат текстили" корхонаси ишсиз 100 нафар хотин-қизнинг бандлариги таъминлаш баробариди туман иқтисолидётнинг ўсишига ҳам ижобий таъсир кўрсатади.

— Бугун мамлакатимизда тадбиркорлик субъектлари учун кенг имкониятларидан яратилмоқда. Биз ҳам бу қулий шарт-шароитлардан фойдаланган ҳолда корхонамизни ишга туширидик. Ҳозирда ишсиз, "Аёллар дафтари"да рўйхатда турган 100 нафардан ортиқ қишлоқ хотин-қизларини иш билан таъминладик. Кор-

хонамизда ўндан ортиқ маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда, — дейди тадбиркор Асомиддин Жуманазаров.

Эндикинга фаолиятни бошлаган корхонанинг йиллик қуввати 240 минг дона турли кийим-кечаклар ишлаб чиқариши тенг. Тайёр маҳсулотларни аввало воҳонинг ичи бозорларига, қўшни вилоятлар ҳамда Тожикистон Республикасига экспорт қилиш режалаштирилган.

— Ўн йилдан бўён уй шароитида тикувчилик фабрикаси иш бошлаган ҳолда ишлаб чиқарилмоқда. Алоҳида тикувчилик қатори менинг ҳам шу ерга ишга тақлиф қилишиди. Алоҳида тикув-

шинаси беришди. Айни пайдада мактаб ўтказилган учун формада, болалар кийимлари тиқаяпмиз. Бугунги кунда биз, қишлоқ аёлларига яратилётган шароитлардан миннатдормиз, — дейди ишчи Саида Аскарова.

Бугунги кунда хотин-қизларнинг бандлариги таъминлаш, уларнинг саломатлигига мустаҳкамлаш учун яратилётган бу каби кенг имкониятлар аёлларнинг тақдирли, бугунги кунда келажаги учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Рустам ДАВЛАТОВ,  
"Qishloq hayoti" мухбири.

(Эълон

Бадалхуждаева Милана Александровна номига 1993 йил 27 октябрда 07-22/2532 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

Пономарёва Галина Ивановна номига 1993 йил 12 февралда 11-01/2285 рақами билан берилган хонадонга эгалик ҳуқуқи ҳақидаги давлат ордери йўқолганлиги муносабати билан бекор ҳисобланади.

## ҒЎЗА ПАРВАРИШИДА МУҲИМ ПАЛЛА

(Боши 1-саҳифада)

Ховуз атрофлари сим тўр билан ўралиб электр токлари тортилди. 18 та фермер хўжалигининг 407 гектар пахта майдонига 12-сон маҳсус мактабининг 120 ўринги, иккى қаватни янги ўкӯв майдонидан топширилди. Лойиҳа қўймати иккى ярим миллиард сумни ташкил этиган ушбу муассаса "Бинокор комфорт" маъсулчиги шланглар ёткизилди. "Оқ-сарой" кластер МЧЖ томонидан 8 та фермер хўжалигининг 166 гектар пахта майдонидан сув тежовчи технологиялар тўлиқ ишга туширилди. Кластер корхонаси томонидан 11 та фермер хўжалигидаги қўйимча артизан куқуд қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Албатта, томилатиб сувононликлари кўп. Биринчидан, сувни иқтисолидётнинг килади, ҳар битта гўзининг бир хилда сув ичишини тавминлайди. Қатор ораларига ишлар бериш ишлари ҳам

бир неча баробарга камайди. — Жорий йилда 20 гектар майдонга томилатиб сувононликлари кўп. Биринчидан, сувни иқтисолидётнинг килади, ҳар битта гўзининг бир хилда сув ичишини тавминлайди. Қатор ораларига ишлар бериш ишлари ҳам

Ўлмас БАРОТОВ,  
ЎЗА мухбири.

Нодир ЭРГАШЕВ,  
Тошкент давлат юридик университети  
ташқилий-назорат ва стратегик  
режалаштириш бошқармаси услубчиси.

**Беморни зиёрат қилиш, ундан ҳол-аҳвол сўраш, бирор етишмовчилиги бўлса, кўмаклашиб юбориш мусулмон киши зиммасидаги зарур вазифаларданdir**

# ҮЙИНГИЗДА КИТОБ ЖАВОНИ **БОРМИ**



**Янги уйга кўчиб ўтганимизга ҳам олти йил бўлиди. Мебел ва жиҳозларни куч йигиб, навбати билан янгисидан олаляпмиз.**

Тўрт йил олдин болалар хонаси деворига китоб таҳлайдиган кичкина жавондан тўрттасини ўрнатгандим. Энди китобларимизга каттароқ шкаф олмасак бўлмайди, деб якшанба куни хотинни етаклаб қишлоғимиздаги мебел дўйконига бош сукдим. Китоб жавони йўқ. Қибрай шаҳарчасидаги мебел маҳмусига кириб изландик. Шундай катта дўйконда китоб кўяр шкафлар сотилмас экан. Тўйтепанинг йўлидаги Қорасувда қатор мебел дўйконлари бор, олдин ишим тушиб, бир-ишки савдо қилгандим. Ҳам арзонроқ бўлади, деб ўша ёқа жўнадик. Ўндан ортиқ дўйконга кириб чиқдик. Китоб таҳласа бўладиган битта дарахтсифат жиҳозин айтмагандা биронта ҳам китоб жавонини учратмадим.

Излаганимни топмаганимдан эмас, бошқа нарсадан ичим куиди. Қайси дўйконга кириб борсан, сотовчи югуриб келади, китоб жавони борми, деган гапдан таажжубланади. "Книжный полка"



дэйшим билан, йўқ-йўқ дея бошини ўғиради. Ҳудди таъқиқланган маҳсулотни изләтгандек мулзам ҳолда дўйондан чиқамиш. Ошхона жиҳозлари, диван, стол-стул олиш учун борганимизда поий-патак бўлиб, атрофимииздан узилмаган сотувчиларнинг бари "ўзи китоб жавони сотганимизлар, неча пул атрофида турди, қачон келиши мумкин", каби сўровларимизга жавоб беришга оғринди.

Бундан ўн-ун беш йил олдин миллат китоб ўқимай қўйигани ҳақида матбуотда хавотир билдирилар эди. Мана беш-олти йилдан бўён одамлар китоб сотиб олаляти, китобхонлар давраси кенгаймодка, деган эътирофларни эштимази.

Дарҳол ўзимни тафтиш қилишга киришдим. Охирги марта қўлумига Рамазон ойида росмана китоб ушлаган эканман. Шундан бери ҳар сафар уйга қайтаётганимда бугун иккى варак бўлсаям китоб ўқиб қўйишим

керак, деб ният қиласману, чалғиёман. Телефон китобнинг ўрнини босаси. Ёғон эмас, охирги уч-тўрт ой ичida Аҳмад Лутфий Қозончининг опти китобдан иборат иккита асарини мобил илова ёрдамида қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Ёмон томони ўқиб бўлиб, мобил иловани ўчириб ташлайсан. Кейинги китобга жой очиши керак, телефоннинг хотирасида жой очиши керак, телефоннинг хотирасида жой очиши керак.

Болаларимдан учтаси телефон тутади. Телефонларнинг кўшимча хотираси аллақаён тўйлиб битган. Йўқолса, ичидагилари ҳам кетади. Миямга ажойиб фикр келди. Балки, электрон китоблар, телефонда олинган расмлар, видеоларни сақлайдиган, зарур пайтда фойдаланиш имонини берадиган курилмага менимча бугун ҳар бир оиласда эҳтиёж бор.

Ўзимнинг масаламага келадиган бўлсак, мебел цехига бориб иккита китоб жавонига буюртма бориб келдим. Ҳафта-ўн кун ичida тайёр бўларкан.

Бугун эрталаб бир тадбирга кетаётib, иккি журналист дўйистдан ўйингизда китоб жавони борми, деб сўрадим. Иккаласи ҳам қирға ёшдан ошган, катта рўзгор бошликлари, бири етти йил олдин, иккинчиси бир йил олдин янги уйга кўчиб кирган. Иккаласида ҳам ҳалигача китоб жавони йўқ экан. Ишхонага келиб, илк учратган ҳамкасбимдан уйида китоб жавони бор-йўқлигини сўрадим. Елка кисганидан кейин ўйланиб қолдим: яrim кун вақт кетказиб, овора бўлиб Қорасувчага бориб келдим, китоб жавони ўзи шартмида!?

**Шуҳрат СУЮНОВ,  
журналист**

## БЕМОРЛАРНИ ЗИЁРАТ ҚИЛИШ ОДОБЛАРИ



Динимизда ҳар бир хайрли ишнинг одоби бўлгани каби, уламоларимиз bemorning зиёрати бобидаги одобларни ҳам санаб берганлар. Аввало, хасталанган кишининг ҳузурига кирганда, очиқ юз, хуш кўнгил, шафқат билан муомала қилинади, унинг юзига синчилаб қаралмайди, кўп ва қаттиқ овозда гапирилмайди.

Касал кўриш чоғида bemor дард Аллоҳонинг бир неъмати экани, бандга унга сабр қиласа, Аллоҳ таоло билиб-билимасдан қилинган гуноҳларини кечиришини айтиб, bemorning кўнгли кўтарилиди. Bemorning бош-кўзи, манглайи, ёқ-кўлини сипаб, яхши сўзлар билан дард вақтнчалик эканини айтиб, тасалли берилади. Касал кишининг зиёратига озроқ ҳада олиб, салом билан кирлади ва унга яқин, иложи бўлса, бош томонидаги ўтириб, аҳволи сўралади.

Bemorni зиёрат қилиш Аллоҳ таолони зиёрат қилишга тенглаштирилган, хаста киши гарчи ғайридин киши бўлса ҳам ҳол сўраш яхшидир. Касал бўлган одамни бориб кўришнинг сабоби ва фазилати жуда кўп. Bemorni зиёрат қилиш, ундан ҳол-аҳвол сўраш, бирор етишмовчилиги бўлса, кўмаклашиб юбориш мусулмон киши зиммасидаги зарур вазифаларданdir. Унинг ҳузурида паст овозда, табассум билан гапирилади, кўнглини зиммасидаги зарур вазифаларданdir. Агар у хоҳлаган

нарсасини айтиса ва бу унга зарар қиласа, хоҳ ўзи, хоҳ яқинлари орқали топиб беришга ҳаракат қилинади. Bemor ётган ўйда кулиш, йиғлаш яхши эмас, ҳар хил кинояли, оғир ботадиган, кўнглига келадиган сўзлар айтилмайди.

Агар зарурат бўлmasa, касал кўргани кечаси бормаган маъкул, чунки дард одатда кечга бориб кучайиб, bemorning аҳволи танглашади ёки у чарчаб, оромга шайланганга бўлади. Касални толиқтириб қўймаслик учун унинг олдида кечга ўтирилмайди. Ўзининг розилиги бўлса, бириз ўтириб, кўнглини кўтарувчи ибратли ҳикоялар сўзлаб турилади. Гапи совуқ, бефаросат кишиларни bemorning ёнига йўлатмаган маъкул. Хасталикка чалинган киши

**Муҳаммадшоҳи БОБОХЎЖАЕВ,  
Норин туманидаги "Умархўжа эшон" масжиди имом ҳатами.**



**Азиз юртдошлар!**

Янги Ўзбекистонимизда Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган оқилона ва ҳалқарвар сиёсат, барча соҳаларда амалга оширилаётган ҳаётбахш дастурлар ҳалқимиз қалбига ғурур ва хурсандчилек баҳш этиши баробарида, эрганги кунга бўлган умиду

ишончини янада мустаҳкамламоқда.

Бир ёқадан бош чиқарib, аҳил ва ҳамжihatлиқда улкан мақсадларимиз сари интилаверсак, ютуқларимиз салмоғи тобора ортаверади. Юрт корига яраш, ободлик, яратувчанлик жараёнларида фаол бўлиш баҳти барчамизга насиб этаверсин.

Тобора яқинлашиб келаётган  
Истиқолол айёми муборак бўлсин!



**Самарқанд вилоятидаги**

## ЗАРАФШОН МАГИСТРАЛ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ ЖАМОАСИ



**Муҳтарам юртдошлар!**

Сиз, азизларни Ўзбекистон Республикаси

## МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 32 ЙИЛЛИГИ

байрами билан табриклаймиз.

Халқимизни нон ва нон маҳсулотлари билан барқарор таъминлаш йўлида

фидойилик кўрсатадиган юртдошларимиз, хусусан, донни қайта ишланиш тизими ходимларига куч-куват, аъло кайфият доимо ҳамроҳ бўлсин!

Барчамизга ғурур ва ифтихор багишлаб, эрганги кунга бўлган ишончимизни мустаҳкамлаётган муваффақиятли ишларимиз янада кўпаяверсин!

**“БОГОТ ДОН”**

**АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ**



